



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



УДК:633.51:631.573:631.811.98.

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ИЛДИЗ ЧИРИШ ВА ГОММОЗ КАСАЛЛИКЛАРИГА СТИМУЛЯТОРЛАР ТАЪСИРИ

Менгнорова Мухайё Абдурахмановна,
ПСУЕАИТИ

<https://orcid.org/0009-0004-3936-0342>

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19244216>

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятининг экстремал иқлим шароитида ингичка толали ғўза чигитига Узгуми, Фитовак ва Биодукс стимуляторлари билан ишлов берилганда, ниҳолларининг илдиз чириш ва гоммоз касалликлари билан камроқ зарарланиши баён этилган.

Калит сўзлар. Ингичка толали ғўза, стимулятор, Узгуми, Фитовак, Биодукс, илдиз чириш, гоммоз.

Аннотация. В статье описывается, что при обработке семян тонковолокнистого хлопчатника стимуляторами Узгуми, Фитовак и Биодукс в условиях экстремального климата Сурхандарьинской области всходы хлопчатника меньше заражается корневой гнили и гоммозом.

Ключевые слова: тонковолокнистый хлопчатник, стимулятор, Узгуми, Фитовак, Биодукс, корневая гниль, гоммоз.

Abstract. The article describes that when fine fiber cotton seedlings are treated with Uzgumi, Fitovak and Biodux stimulants in the extreme climatic conditions of the Surkhandarya region, their seedlings are less susceptible to root rot and gommosis.

Keywords. Fine fiber cotton, stimulant, Uzgumi, Fitovak, Biodux, root rot, gommosis.

Кириш. Мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кўплаб илмий тадқиқотларга қарамасдан ингичка толали ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-170-сон "Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта етиштиришни илмий асосда амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [1] қарорига мувофиқ, ингичка толали ғўзани республиканинг жанубий минтақалари тупроқ-иқлим шароитларига мос, серҳосил, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, саноатбоп навларини яратиш ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш, шунингдек, ресурс тежайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Сурхондарё вилоятининг ўтлоқи тақир тупроқлари шароитида ингичка толали ғўза ниҳолларини ундириб олиш, касалликларга бардошлилигини оширишда ўсишни созловчи моддалар муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётларда келтирилишича Ш.Абдуалимов, Ф.Шамситдинов [2] тажрибаларида, Наманган вилоятининг қир адирлардаги унумдорлиги паст оч тусли бўз тупроқларида Альбит ва Гумми-20 стимуляторлари билан чигитга экиш олдида ва ўсув даврларида ишлов берилганида униб чиқиши 3-4 кунга тезлашиб, касаллик ва зараркунандаларга бардошлиги ошиб, пахтадан 4,7 ц/га қўшимча ҳосил олинган.



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



О.Пиримов, Ғ.Аралов, С.Эшқобилов [3] тажрибаларида чигитга экишдан олдин ЎЮЧ ЭММ да 180 Вт қувватли 3 минут давомида ишлов берилган чигитларнинг дала шароитидаги унувчанлиги П-4 фунгициди билан зарарсизлантирилганга нисбатан 6-9% га ошганлиги, улардан олинган ниҳолларнинг илдиз чириш касаллиги билан касалланиши 3–4 марта камайгани, гоммоз билан касалланиши назорат даражасида эканлиги аниқланган.

К.М.Таджиев [4] томонидан ғўза чигитига Ҳосилдор стимулятори билан ишлов берилганда ишлов берилмаган назоратга нисбатан ниҳолларни униб чиқиши 10,2% тезлашиб, ўсиши ва ривожланиши яхшиланган, юқори ҳосил етиштирилган.

Тадқиқотнинг услублари. Илмий тадқиқот ишида дала тажрибалари, ўсимлик ва тупроқ таҳлиллари, фенологик кузатувлар ва ҳисоблашлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қўлланмасига мувофиқ олиб борилди. Олинган маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услубида амалга оширилди. Тажрибада ингичка толали ғўзани СП-1607 нави экилди ҳамда Узгуми стимулятори билан чигитга экишдан олдин 0,7 л/т, Фитовак стимулятори билан 200 мл/т, Биодукс стимулятори билан 3,0 мл/т, меъёрларда ишлов берилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Маълумки, мамлакатимиз шароитида ғўза ниҳолларига илдиз чириш ва гоммоз касалликлари катта зиён етказди. Ғўза уруғчилигида уруғлик чигитлар илдиз чириш ва гоммоз касалликлари қарши П-4 4 л/т, Пахта 42% 0,5 л/т, Бронопол 6 кг/т уруғдорилари билан дориланади.

Изланишларда Узгуми, Фитовак ва Биодукс стимуляторларини ғўзанинг ниҳол касалликларга таъсирини ўрганиш мақсадида ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан кейин илдиз чириш ва гоммоз касалликлари билан зарарланиш даражаси аниқланди.

Тажрибада олинган маълумотларга кўра, Узгуми стимулятори билан чигитга экиш олдида 0,7 л/т, Фитовак билан 200 мл/т ва Биодукс билан 3,0 мл/т меъёрларда ишлов берилганда гоммоз ва илдиз чириш касалликлари билан камроқ зарарлангани аниқланди. Масалан, 2020 йил 29 апрель куни ўтказилган кузатувда назорат вариантда гоммоз билан 2,0% ва илдиз чириш билан 4,0% ўсимлик зарарланган бўлса, стимуляторлар билан ишлов берилган вариантларда ниҳол касалликлари кузатилмади

Кейинги кузатувда (1.05.2020) назорат вариантда илдиз чириш билан 6,0% ва гоммоз билан 2,0% ўсимлик касалланган ҳолда Узгуми стимулятори билан 0,7 л/т меъёрда ишлов берилганда илдиз чириш билан 1,0%, Фитовак стимуляторини 200 мл/т меъёрида 1,0% ўсимлик зарарланганлиги аниқланди. Таъкидлаш керакки, чигитга Биодукс стимулятори билан 3,0 мл/т меъёрида ишлов берилганда илдиз чириш ва гоммоз касаллиги умуман учрамади.

Демак, ингичка толали ғўза чигитига экиш олдида Узгуми стимулятори билан 0,7 л/т, Фитовак 200 мл/т ва Биодукс 3,0 мл/т меъёрларда ишлов берилганда, униб чиқиши тезлашган ҳамда гоммоз ва илдиз чириш касалликлари бардошлиги ортиши ҳисобига ниҳол касалликлари билан камроқ зарарлангани кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ингичка толали ғўзанинг гоммоз ва илдиз чириш касаллиги билан зарарланиш даражасига стимуляторларнинг таъсири, % ҳисобида, 2020 йил

№	Чигитга ишлов	Кузатув муддатлари		
		29.IV	31.IV	1.V



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



	Тажриба вариант- лари	бериш, л/т, мл/т	илдиз чириш	гоммоз	илдиз чириш	гоммоз	илдиз чириш	гоммоз
1	Назорат	-	4,0	2,0	4,0	2,0	6,0	2,0
2	Узгуми	0,7 л/т	-	-	-	-	1,0	-
3	Фитовак	200 мл/т	-	-	-	-	1,0	-
4	Биодукс	3,0 мл/т	-	-	-	-	-	-

Хулоса. Ингичка толали ғўзанинг чигитига ўсишни соловчи моддалар билан экиш олдида Узгуми стимулятори билан 0,7 л/т, Фитовак 200 мл/т ва Биодукс 3,0 мл/т меъёрларда ишлов берилганда ниҳоллар бир текис 2-3 кун эртароқ униб чиқиши, илдиз чириш ва гоммоз касаликлариға бардошлилиги ортиши, ёш ниҳолларнинг экстремал иқлим шароитга мослашиши ҳамда жадал ўсиб ривожланишиға ижобий таъсири этиши кузатилган.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2022 й. ПҚ-170-сон "Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта етиштиришни илмий асосда амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
2. Абдуалимов Ш.Х., Шамситдинов Ф. Наманган вилоятининг қир-адирли тошлоқ ерларида янги стимуляторларнинг ғўза барг юзаси ва ҳосилдорлигига таъсири.// Агро кимё химоя ва ўсимликлар карантини. -Тошкент, 2019. № 5. -Б. 39-42.
3. Пиримов О., Аралов Ғ., Эшқобилов С. Уруғлик чигитларни касалликларга қарши зарарсизлантиришнинг замонавий усули // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали. Махсус сон. 2019.-Б.5-6.
4. Таджиев К.М. Ғўзага Ҳосилдор стимуляторини қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири // Journal of new century innovations volume – 27 | issue – 5 april – 2023. -Б.61-64.